# Ш А Р Т Н О М А № 04

***Автотранспорт воситаларига эхтиёт кисмлар етазиб бериш таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун***

Андижон шаҳри «10» январь 2022 йил

Биз шартнома тузувчилар **«Андижон Авто Ишонч» МЧЖ** номидан директори **А.Базаров** бундан буён «Хизмат кўрсатувчи» деб юритилади бир томондан хамда **«Хужаобод газни ер остида саклаш иншооти»** номидан директори **Бакижанов Х** бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Хизмат кўрсатувчи» эхтиёт кисмларни «Буюртмачи» транспорт воситаларига ўрнатиб беради ва уларга техник хизмат кўрсатади.

1.2. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиб, ўрнатиладиган эхтиёт кисмлар хамда бажариладиган иш ва хизматлар қиймати тўғрисидаги хисоб-фактурани «Буюртмачи» га топширади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси **24 000 000 (Йигирма тўрт миллион)** сум.

## 2. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТИ

2.1. «Буюртмачи» нуқсонли далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун ичида умумий суммасидан 15% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 85%ни 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, хисоб фактура асосида пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома иккала томон имзолаган кундан бошлаб кучга кириб, **31.12.2022 йилга** қадар амал қилади.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Хизмат кўрсатувчи» нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Эхтиёт қисмларни белгиланган сифат даражасида ва шартномада кўрсатилган микдорда ўрнатиб беради ва техник хизмат кўрсатади. Агарда кўрсатилган хизматлар сифати «Хизмат кўрсатувчи» томонидан хизмат кўрсатилиб бўлгандан сўнг кўрсатилган хизматлар сифатсиз бажарилганлиги аникланган такдирда белгиланган тартибда кўрсатилган хизматни умумий қийматидан 5% микдорида жарима ундирилади. Агар хизматлар тўланган бўлса тўланган сумманинг белгиланган тартибда қайтаришга хаклидир.

3.1.2. «Хизмат кўрсатувчи» белгиланган муддатда кечиктирилган хар бир кун учун 0,5% микдорида пеня тўлайди бирок бундай жариманинг кўрсатилмаган хизмат бахосини 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

3.1.3. «Хизмат кўрсатувчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий хукуқий базаси тўғрисида» ги қонунга асосан белгиланади.

3.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

3.2.1. «Буюртмачи» томонидан «Хизмат кўрсатувчи» хизмат хаққини кечиктирилган тўлов суммасини 0,5% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

## 3. ФОРС-МАЖОР

4.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажармаслиги холатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан кисман ёки тўлик озод бўладилар.

4.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлик бўлмаган табиат ходисалари (залзила, кучки, бўрон, курғокчилик ва бошкалар...) ёки ижтимоий иктисодий холатлар (уруш холати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва експортни такиклаш ва бошкалар...) сабабли юзага

келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкониятларини бермайдиган фавкулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлар киради.

4.3. Шартнома томонлардан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар сабабли бажармаслик маълум бўлса, дархол иккинчи томонга бу хакда 10 кун ичида ушбу холатлар харакати сабабини далиллар билан такдим этиш лозим.

4.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холарлар давом этиш муддатига кадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортикрок давом килса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 4. НИЗОНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

5.1.Ушбу шартномада келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида имкон даражасида келишув асосида хал қилинади.

5.2. Низолар келишув асосида хал этилмаган тақдирда «Иқтисодий суд» томонидан хал этилади.

## 5. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишув тузилиб иккала томон имзолаб мухр билан тасдиқлланганда хисобга олинади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккиси хам бир хил юридик кучга эга. Шартнома бир нусхаси «Хизмат кўрсатувчи» да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Хизмат кўрсатувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **«ANDIJONAVTOISHONCH» МЧЖ** | **«Хужаобод газни ер остида саклаш иншооти»** |
| г. Андижан, ул. Индустриальная, 4 | Андижон вилояти. |
| р/с 20208000100216911001 | Хўжаобод тумани. Хидирша 5. |
| АТ «Асака» Андижонвилоятфилиали. | х/р. 20210000400117836123. |
| МФО 00069 ИНН 302595374 | АТБ „Саноатқурилишбанк" Андижон. |
| ОКЭД 45111 | ИНН 200626188 |
| тел.: +998 33 140-64-64 | МФО. 00075 |
| факс: +998 74 228-83-87 | |
| Директор | Директор |
| (Базаров А.) | (Бакижанов Х) |

“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ” ХЎЖАОБОД ГАЗНИ ЕР ОСТИДА САҚЛАШ ИНШООТИ ЮРИСТ - МАСЛАХАТЧИСИНИНГ
ХУЛОСАСИ
УШБУ ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ, ВА "ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА" ГИ ҚОНУНИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТУЗИЛГАН. ШАРТНОМАДА ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИК МЕЪЁРЛАРИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛАДИ.
ЮРИСТ-МАСЛАХАТЧИ: 11.01.2022